



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ АМЕРИКА — ЎЗБЕКИСТОН САВДО ПАЛАТАСИ РАИСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 1 феврал кун Америка — Ўзбекистон савдо палатаси раиси Каролин Лэммини қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни самимий кутлаб, АКШ етакчи компаниялари вакиллари делегациясининг ташрифи ва ҳамкорликда бизнес-форум ўтказилгани томонларнинг Ўзбекистон билан Америка Қўшма Штатлари ўртасида ўзаро фойдали савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлигини ривожлантиришдан манфаатдорлиги ва интилиши ортиб бораётганидан далolat беришини таъкидлади.

Йигирма йилдан кўпроқ вақт аввал ташкил этилган Америка — Ўзбекистон савдо палатаси бугун иқтисодийнинг турли тармоқларида қўшма дастур ҳамда лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ва амалга оширишнинг муҳим механизмига, икки давлат ишбилармон доиралари ўртасида ишончли кўприкка айланди.

Айни пайтда АКШнинг «Boeing», «General Motors», «General Electric», «CNH Industrial», «Hyatt», «Hilton» ва бошқа кўплаб жаҳонга машҳур компаниялари мамлакатимизда муваффақиятли фаолият юритмоқда.

Ўтган йили ушбу компаниялар билан ишлаб чиқилган ва амалга оширилган қўшма лойиҳалар самарасида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 70 фоизга ошди ва 454 миллион долларга етди.

Мамлакатимизда Америка Қўшма Штатлари капитали иштирокида ташкил этилган 164 корхона фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон иқтисодига жалб этилган АКШ инвестициялари ҳажми 1 миллиард доллардан ошди.

Давлатимиз раҳбари ва Америка — Ўзбекистон савдо палатаси раиси ўртасида бўлиб ўтган музокарада савдо-иқтисодий, инвестиция, технология, инновация ва таълим соҳаларида узоқ муддатли ҳамда кенг қўламли ҳамкорликни янада ривожлантириш хусусида фикр алмашилди.

Иқтисодийнинг агросаноат комплекси, электротехника, фармацевтика ва бошқа тармоқларида АКШнинг етакчи ташкилот ва компаниялари тажрибаси, тўғридан-тўғри инвестициялари ва замонавий технологик ютуқлари асосида амалга оширилаётган истиқболли лойиҳалар муҳокама этилди.

Халқаро стандартларга мувофиқ юқори маъналик мутахассислар тайёрлаш борасида изчил ҳамкорликни йўлга қўйиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзаро муносабатларни, аввало, иқтисодий соҳасида мустаҳкамлашга қаратилган ҳамкорликнинг янги механизмларини ишлаб чиқиш масаласи ҳам кўриб чиқилди.

Америка — Ўзбекистон савдо палатаси раиси давлатимиз раҳбарига самимий қабул ва икки мамлакат ишбилармон доиралари ўртасида шериклик муносабатларини қўллаб-қувватлаётгани, шунингдек, Ўзбекистон бозорида АКШ компаниялари иштирокини кенгайтириш учун яратилган қўлай шароитлар учун миннатдорлик билдирди.

Каролин Лэмми Америка — Ўзбекистон савдо палатасининг барча вакиллари Ўзбекистон билан ҳамкорликда қўшма дастур ва лойиҳаларни амалга оширишда фаол иштирок этишга тайёр эканини тасдиқлади.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИГА ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Кейинги йилларда мамлакатимизда хусусий мулкни ишончли ҳимоя қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришнинг таъминлаш борасида қўлай шарт-шароитлар яратилди.

Тадбиркорлик тузилмаларига давлат хизматлари кўрсатиш сифати ва улардан фойдаланиш имкониятларини тубдан оширишга доир комплекс ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар кўрилди.

Туман ва шаҳарларда ташкил этилган тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказлари (бундан буён — «ягона дарча» марказлари) томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этган ҳолда рўйхатдан ўтказиш, рухсат бериш ва лицензиялаш тартиб-таомилларини ўтишининг ошқоралигини таъминлаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, мазкур соҳада амалга оширилган ишларнинг таҳлили тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш механизмларини янада такомиллаштириш, «ягона дарча» марказларини самарали бошқариш, улар фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштиришда тизимли ёндашуви ҳамда уларнинг бошқа давлат тузилмалари билан ўзаро ҳамкорлигини белгилаш зарурлигини кўрсатмоқда.

Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатишнинг сифати ва ошқоралигини, улардан фойдаланиш имкониятларини янада ошириш, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш қарорларини қўлайлаштириш ҳамда жойларда халқ билан бевосита мулоқотнинг самарадорлигини таъминлаш мақсадида:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Иқтисодий таъмирлик, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Савдо-саноат палатасининг «ягона дарча» марказларини туман (шаҳар) ҳокимликлари тузилмасидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тасарруфига ўтказиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Банклар ва кредит бюрolari, уларнинг филиал ва ваколатхоналаридан ташқари барча тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш «ягона дарча» марказлари томонидан амалга оширилиши белгилансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига куйидаги қўшимча вазифалар юклатилсин:

«ягона дарча» марказларининг фаолияти устидан умумий раҳбарликни амалга ошириш, шу жумладан уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, «ягона дарча» марказлари ходимларининг малакасини ошириш;

«ягона дарча» марказлари орқали давлат хизматлари кўрсатишда ваколатли органлар томонидан қўнунчиликка риоя этилиши устидан назоратни таъминлаш, уларнинг раҳбарларига аниқланган қўнунбузарликлар, бундай ҳолатларга олиб келаётган сабаб ва шарт-шароитларни бартафоз этиш тўғрисида қўриб чиқишни мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш;

«ягона дарча» марказлари, давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш бўйича фаолияти самарадорлигини,

ушбу жараёнга замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг жорий этилишини тизимли таҳлил қилиш;

илгор халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда, «ягона дарча» марказлари орқали давлат хизматлари кўрсатиш соҳасидаги қўнунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга доир таклифлар тайёрлаш.

3. Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш соҳасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш бўйича республика комиссияси (бундан буён — Республика комиссияси) 1-иловага мувофиқ таркибда тузилсин.

Куйидагилар Республика комиссиясининг асосий вазифалари этиб белгилансин: давлат хизматлари, шу жумладан «ягона дарча» марказлари орқали кўрсатилаётган хизматлар сифати ва ошқоралигини, улардан фойдаланиш имкониятларини оширишга қаратилган ташкилий, ҳуқуқий ва бошқа чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш;

давлат хизматлари кўрсатиш соҳасидаги ишлар ҳолатини тизимли таҳлил қилиш; соҳадаги муаммоларни аниқлаш, давлат хизматлари кўрсатиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга доир таклифлар ишлаб чиқиш ва амалий чора-тадбирлар кўриш, шу жумладан бундай чора-тадбирларни жойларда халқ билан бевосита мулоқот ўрнатиш орқали кўриш.

4. Республика комиссияси икки ҳафта муддатда:

Республика комиссияси фаолиятининг тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарларда тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш соҳасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий комиссияларни (бундан буён — ҳудудий комиссиялар) тузсин ва уларнинг фаолиятини ташкил этсин.

Ҳудудий комиссияларга тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорлари раҳбарлик қилиши белгилансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги таркибиде штат бирликлари умумий сони доирасида Юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси негизда Давлат хизматлари кўрсатишнинг мувофиқлаштириш ва ривожлантириш бошқармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларида эса тегишинча унинг бўлимлари тузилсин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Давлат хизматлари кўрсатишнинг мувофиқлаштириш ва ривожлантириш бошқармаси ва унинг жойлардаги бўлимлари Республика комиссияси ва ҳудудий комиссияларнинг ишчи органи этиб белгилансин.

6. Куйидагилар:

2017 йилда фақат «ягона дарча» марказлари орқали кўрсатиладиган қўшимча давлат хизматларини жорий этиш жадвали 2-иловага мувофиқ;

2018-2020 йилларда босқичма-босқич жорий этиладиган, фақат «ягона дарча»

марказлари орқали кўрсатиладиган давлат хизматлари рўйхати 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

бир ой муддатда 2017 йилда фақат «ягона дарча» марказлари орқали кўрсатиладиган қўшимча давлат хизматларини жорий этиш жадвалини амалга ошириш бўйича тадбирлар режасини;

икки ой муддатда 2018-2020 йилларда фақат «ягона дарча» марказлари орқали кўрсатиладиган давлат хизматларини босқичма-босқич жорий этиш жадвалини амалга ошириш бўйича тадбирлар режасини;

2017 йил 1 сентябрга қадар 2018-2020 йилларда фақат «ягона дарча» марказлари орқали кўрсатиладиган давлат хизматларини босқичма-босқич жорий этиш жадвалини амалга ошириш бўйича тадбирлар режасини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

2 ва 3-иловаларда белгиланган, фақат «ягона дарча» марказлари орқали кўрсатиладиган давлат хизматларини жорий этиш жадвалини амалга ошириш бўйича тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши юзасидан вазирлик ва идоралар раҳбарлари зиммасига шахсий жавобгарлик юклансин.

8. Берилган, тўхтатиб қўйилган, қайта тикланган, қайта расмийлаштирилган, бекор қилинган, шунингдек амал қилиши тугатилган рухсатнома ва лицензиялар тўғрисидаги маълумотларни «Лицензия» ахборот тизимлари комплекси доирасида олиш имкониятини яратиш йўли билан «ягона дарча» марказлари орқали қўғоз шаклида бериладиган махсус бланкалардаги рухсатнома ва лицензияларни мажбурий расмийлаштириш талаби 2018 йил 1 январдан бошлаб бекор қилинсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Иқтисодий таъмирлик ва Адлия вазирлигининг 2017 йилнинг 1 чорага куйидагиларни таъминлайдиган «Лицензия» ахборот тизимлари комплексини ишга тушириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин:

«ягона дарча» марказлари орқали давлат хизматлари кўрсатиладиган давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат берувчи ҳужжатлар ва лицензиялар (бундан буён — рухсатнома ва лицензиялар) олиш тўғрисидаги аризаларни қабул қилиш;

тадбиркорлик субъектлари учун қўлай шаклда рухсатнома ва лицензиялар олиш тартиби ва муддатлари ҳақидаги маълумотлардан масофадан туриб фойдаланиш;

тадбиркорлик субъектлари томонидан рухсатнома ва лицензиялар олиш тўғрисида электрон шаклда ариза бериш имкониятини яратган ҳолда тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш ва лицензиялаш тартиб-таомилларини автоматлаштириш;

тадбиркорлик субъектлари «ягона дарча» марказлари орқали кўрсатилаётган давлат хизматлари бўйича қаерда ва қай тарзда мурожаат қилганидан қатъи назар, рухсатнома ва лицензиялар олиш тўғрисидаги аризаларни қўриб чиқишнинг бориши ва натижасини кузатиш имконияти;

рухсатнома ва лицензиялар реестрларидан маълумот олиш имконияти.

10. 2-иловада кўрсатилган, «ягона дарча» марказлари орқали давлат хизматларини кўрсатаётган ваколатли органлар:

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Адлия вазирлиги ва Савдо-саноат палатаси билан биргаликда бир ой муддатда идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш орқали тақдим этиладиган маълумотларнинг тўлиқ рўйхатини белгиласин ҳамда эскирган ва замон талабларига жавоб бермайдиган ҳужжатлар ва маълумотларни тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиш тўғрисидаги талабларни бекор қилишга доир таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Белгиланган муддатлардан бошлаб Жадвалга киритилган давлат хизматлари кўрсатиш тўғрисидаги аризаларни тўғридан-тўғри тадбиркорлик субъектларидан қабул қилиш амалиётини бекор қилсин;

давлат хизматлари кўрсатиш соҳасидаги қўнунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга доир тизимли чора-тадбирлар кўрсин.

11. Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш учун давлат бож сифатида олинадиган барча маблағлар ҳамда «ягона дарча» марказлари орқали кўрсатиладиган давлат хизматлари учун тўланадиган давлат божлари ва йнгиимлар ҳажмининг 10 фоизи миқдоридеги маблағлар «ягона дарча» маркази фаолиятини молиялаштириш манбаи сифатида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги номига очилган махсус шахсий ҳисобрақамга ўтказилиши ҳамда келиб тушаётган маблағлар «ягона дарча» марказларини сақлаш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни рағбатлантиришга йўналтирилиши белгилансин.

12. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда «ягона дарча» марказларининг давлат мулки бўлган барча бино ва иншоотларини, уларга тегишли асбоб-ускуналар, ҳужжатлар ва бошқа мулк Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларида белгиланган тартибда текин тақдим этилишини таъминласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Бош прокуратура, Иқтисодий таъмирлик, Молия вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Савдо-саноат палатаси билан биргаликда икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига қўнун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори И.Б.Абдуллаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 1 февраль

Муносабат

ЭНДИ УРГУТНИНГ НОМИ ДУНЁГА ТАНИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Ургут», «Ғиждувон», «Кўқон» ва «Ҳазорасп» эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисидаги Фармонини халқимиз катта қувонч ва миннатдорлик билан кутиб олди.

Шу кунларда жамоатчилик ўртасида эркин иқтисодий зоналарнинг аҳамияти ҳақида фикр юритилмоқда. Дарҳақиқат, «Эркин иқтисодий зона» нима дегани? Бундан одамлар, давлат қандай фойда кўради?..

Бугундан бошлаб янги барпо этиладиган иқтисодий зоналардан кўзда тутилган мақсад ва уларнинг имкониятлари ҳақида ҳикоя қилиб борамиз.

3

2017 йил — Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили

СЕНАТ АЪЗОЛАРИ ВА ДЕПУТАТЛАР жойларга чиқиб, аҳолини ўйлантираётган масалаларни ўрганмоқда



Фоторух АЛИЕВ олган сурат.

Маълумки, Президентимиз Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили муносабати билан сенаторлар ва депутатлар ҳар ойда 10-12 кун давомида бир туманда бўлиб, аҳолини ўйлантираётган масалаларни чуқур ўрганиши, таҳлил қилиши ҳамда тегишли хулосалар чиқариши кераклиги ҳақида таклифлар берган эди.

Шунга мувофиқ, Сенат аъзолари ҳамда Қўнунчилик палатаси депутатлари туманларда аҳоли билан бевосита мулоқотда бўлиб, уларни қизиқтираётган масалаларни, ижро ҳокимияти идоралари фаолиятини ўрганишпти.

Хусусан, Тошкент вилоятидан сайланган Сенат аъзолари ва депутатлар Куйи Чирчиқ туманида сайловчилар, электротар вакиллари билан бевосита мулоқот ўтказишмоқда.

Суратда: Олий Мажлис Сенати аъзоси Максуда Ворисова (чегда), Қўнунчилик палатаси депутати Алия Юнусова туман кўп тармоқли поликлиникаси болалар бўлимида.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш механизмларини такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига ШАРҲ

Халқ билан ўтказилаётган очик мулоқотлар, тадбиркорлик субъектлари билан учрашувлар лицензия ва рухсатнома бериш, муҳандислик-коммуникация тармоқларига улашиш жараёнида давлат хизматларини «ягона дарча» тамойили асосида кўрсатишни самарали ташкил этишга тўқинлик қилаётган бир қатор тизимли муаммолар сақланиб келаётганини кўрсатмоқда.

Таъкидлаш жоизки, тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятини бошлаши учун ханузгача турли давлат органларига мурожаат этишга мажбур бўлмоқда, лицензия ва рухсатномаларни расмийлаштириш жараёнида замонавий ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан зарур даражада фойдаланилмаётгани, кўпчилик давлат хизматлари, афсуски, ҳали ҳам аънавий усулларда, қоғоз шаклида кўрсатишмоқда.

Хорижий тажриба шуни кўрсатмоқдаки, «ягона дарча» маркази каби институтлар давлат хизматларининг очиклиги ва шаффофлигини таъминлашда ҳамда давлат органларининг тадбиркорлик тузилмаларига ўз вақтида қўмаклашишга доир фаолиятни самардорлигини оширишда муҳим ўрин тутади.

Мазкур соҳада тадбиркорлик субъектлари кўтарган долзарб муаммо ва тақлифлар, ўтказилган ўрганишлар натижаларидан келиб

чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш механизмларини такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Қарорда назарда тутилган чора-тадбирлар давлат хизматларини кўрсатиш жараёнида сансалорлик, бюрократик тўсиқлар ва расмийчилик ҳолатлари вуҷудга келишига йўл қўймастикка, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаш орқали уларнинг сифати ва самардорлигини тубдан оширишга қаратилган.

Қарорга мувофиқ туман ва шаҳарларда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» тамойили асосида давлат хизматларини кўрсатиш марказлари туман (шаҳар) ҳокимликлари тузилмасида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бошқарувида ўтказилмоқда. Бу эса «ягона дарча» марказларини самарали бошқариш, уларнинг фаолиятини ва бошқа давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлигини ташкил этишга нисбатан тизимли ёндашуви белгилаш имкониятини беради.

Банклар ва кредит бюрolari, уларнинг филиаллари ва ваколатоналаридан ташқари барча тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш «ягона дарча» марказлари зиммасига

юклатилмоқда. Бундай чора тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга қўйишнинг мавжуд тарқоқ тизими ўрнига янги, яхлит тизимни яратишга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги «ягона дарча» марказлари фаолиятига умумий раҳбарликни ҳамда тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатишга оид қонунчиликка риоя этилиши устидан назоратни амалга оширувчи ваколатли орган этиб белгиланди.

Мазкур вазифаларни бажариш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида Давлат хизматларини кўрсатишни мувофиқлаштириш ва ривожлантириш бошқармаси, жойларда эса унинг худудий бўлиmlлари ташкил этилади.

«Ягона дарча» марказлари орқали давлат хизматларини сифатли ва самарали кўрсатишга тўқинлик қиладиган муаммолари масалаларни тезкорлик билан ҳал этиш учун тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика ва худудий комиссиялар ташкил этилмоқда.

Мазкур комиссиялар тизимли равишда, шу жумладан жойларда халқ билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиш орқали муаммоларни аниқлаш ва давлат хизматларининг сифати, очиклиги ва шаффофлигини оширишга қаратилган зарур

чораларни кўриш билан шуғулланади.

«Ягона дарча» марказлари томонидан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун 16 турдаги рухсатномаларни бошқа идораларга бормасдан расмийлаштириш амалиёти сансалорликларнинг олдини олишга, тадбиркорлик субъектларининг вақти ва моддий сарф-харажатларини тежашга қўмаклашиди.

Ана шундай ижобий амалиётни янада кенгайтириш мақсадида қарорда талаб энг юқори бўлган кўшимча 86 турдаги лицензия ва рухсатномаларни «ягона дарча» марказлари орқали расмийлаштириш механизмини босқичма-босқич жорий этиш назарда тутилмоқда.

Эндиликда тадбиркорлик субъектлари юқоридаги лицензия ва рухсатномаларни олиш учун бошқа идораларга бормасдан, уларни аниқ муддатларда берадиган «ягона дарча» марказларига тўғридан-тўғри мурожаат қилиш имкониятига эга бўлади. «Ягона дарча» марказлари барча зарур келишиш тартиб-таомилларини тадбиркорлик субъекти иштирокида мустақил амалга оширади.

Бундан ташқари, 2018 йил 1 январдан бошлаб «ягона дарча» марказлари орқали тақдим этиладиган лицензия ва рухсатномаларни қоғоз шаклидаги махсус бланкаларда мажбурий расмийлаштириш талаби бекор қилинади

Бунда берилган, тўхтатиб қўйилган, қайта тикланган, қайта расмийлаштирилган, бекор қилинган, шунингдек амал қилиши тугатилган рухсатнома ва лицензиялар тўғрисидаги маълумотларни «Лицензия» ахборот тизимлари мажмуаси орқали олиш имконияти яратилади.

2017 йилнинг I чорагидан ишга туширилаётган «Лицензия» ахборот тизимлари мажмуаси:

тегишли давлат органига бормасдан туриб, «ягона дарча» тамойили бўйича давлат хизматларини электрон шаклда олишга;

рухсатнома ва лицензиялар олиш тартиби ва муддатлари ҳақидаги, шунингдек рухсатнома ва лицензиялар реестридаги маълумотлардан масофадан туриб фойдаланишга;

«ягона дарча» марказлари орқали кўрсатилаётган давлат хизматлари бўйича рухсатнома ва лицензия бериш ҳақидаги аризаларни кўриб чиқиш жараёни ва натижасини, қаерда ва қай тарзда мурожаат этганидан қатъи назар, кузатишга имкониятлар яратади.

Қарорни амалга ошириш, шубҳасиз, тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатишнинг янги сифат босқичига кўтаришга, аҳолининг давлатга нисбатан ишончини оширишга, «Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак» деган эзгу ғояни ҳаётга жорий этишга қўмаклашади.

Парламент назорати

Сиёсий партия ўз дастурий мақсадларини депутатлар орқали амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисидаги қонунга мувофиқ депутат ўз сайловчилари билан, уни депутатликка номзод қилиб кўрсатган сиёсий партия билан доимий алоқада бўлади.

ДЕПУТАТЛАР САЙЛОВЧИЛАР ҲУЗУРИДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси регламентига асосан жорий йилнинг 1-февралдан бошлаб, 10-февралгача 17 кишидан ibорат гуруҳ, шу жумладан, Қашқадарё вилоятидан сайланган Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари — Саттор Раҳматов, Феруза Эшматова ва Комила Каромовалар Чироқчи туманида сайловчилар билан мулоқот ўтказди. Ушбу мулоқотларда парламент фаолияти, қабул қилинган қонунлар, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг мазмун-моҳиятини тушуниришга эътибор қаратилади. Аҳолини қийнаётган муаммолар, худудларда ечимини кутаётган масалалар бўйича хулосалар берилди.

Бу борадаги танқидий-таҳлил ва хулосалар келажакда худудни барқарор ривожлантириш учун муҳим йўналишларни аниқлаштиришга асос бўлади.

Музаффар ТУРОПОВ

ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти

«ЁШЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ — АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ»

Президентимизнинг «Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик — ҳар бир раҳбар фаолиятининг қундалик қондаси бўлиши керак» деб номланган маърузасини ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш, мазмун-моҳиятини тушунириш мақсадида Ўзбекистон ХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти томонидан жойларда турли тадбирлар ташкил этилмоқда. Ана шундай тадбирнинг навбатдагиси Тошкент давлат шарқшунослик институтида бўлиб ўтди.

Давра суҳбатида ЎзХДП Марказий Кенгаши Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш масалалари сектори мудири Умурбек Бектемиров ёшлар орасига чуқурроқ кириб бориш, уларнинг муаммоларини ўрганиш асосий вазифа эканини таъкидлади. «Муаммоларни ҳал этишда менинг иштироким» лойиҳасини амалга ошириш юзасидан тақлифларини билдирди.

Давра суҳбатида партия сафидаги фаол ёшлар, талабалар ўз фикр-мулоҳазаларини баён этди.

Хусусан, тадбирларни ўтказишда зерикарли маърузалардан воз кечиб, қизиқарли интерактив усуллардан фойдаланиш кераклиги қайд этилди. Ёшларни ташаббускорликка, фаолликка чорлайдиган семинар-тренинглар ташкил этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ — изчил тараққиёт кафолати

ШУ КУНЛАРДА ОЛИМЛАР, МУТАХАССИСЛАР ҲАМДА ЖАМОАТЧИЛИК ВАКИЛЛАРИ ТОМОНИДАН 2017-2021 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСINI РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ БЕШТА УСТУВОР ЙўНАЛИШЛАРИ БўЙИЧА ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ ЛОЙИҲАСИ ҚИЗГИН МУҲОКАМА ЭТИЛМОҚДА. МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ТАРАҚҚИЁТИ, ХАЛҚИМИЗНИНГ ЭРТАНГИ КУНИ БИЛАН БОҒЛИҚ УШБУ МУҲИМ ҲУЖЖАТНИНГ МУҲОКАМАГА ҚўЙИЛИШИ, ОДАМЛАРНИНГ БУ БОРАДАГИ ФИКРЛАРИ ЎРГАНИЛИШИ, ТАКЛИФЛАР ОЛИНИШИ ДЕМОКРАТИК ТАМОЙИЛЛАРНИНГ АМАЛДАГИ ИФОДАСИ БўЛМОҚДА.

МАЗКУР ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИНИНГ ТўРТИНЧИ УСТУВОР ЙўНАЛИШИ ИЖТИМОИЙ СОҲАНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН. ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ФАОЛЛАРИ, ДЕПУТАТЛАР, ЭКСПЕРТЛАР МАЗКУР ЙўНАЛИШ БўЙИЧА ЎЗ ТАКЛИФЛАРИ, ФИКР-МУЛОҲАЗАЛАРИНИ БИЛДИРМОҚДА.



Анвар ҚУРБОНОВ,
Сирдарё вилоят
Кенгашидаги ЎзХДП
гуруҳи аъзоси,
Ўзбекистон Қаҳрамони:

— Одамларнинг яхши яшаши ва фаровон турмушини таъминлайдиган омиллар ичида энг муҳими уларни иш билан таъминлашдир. Шунинг учун Ҳаракатлар стратегиясида янги иш ўринлари яратиш, аҳоли, энг аввало, таълим муассасалари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш, меҳнат бозори инфраструктурасини изчил ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор берилган. Буларнинг барчаси мамлакатимизда ишсизлик даражасини қисқартиришда долзарб аҳамиятга эга масалалар ҳисобланади.

Тўғри, бугунги кунга қадар ҳам аҳолини иш билан таъминлаш бўйича дастурлар қабул қилиниб, муайян ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Бироқ замон олдимизга қўяётган талаблар бу борадаги ишларимизни янада кучайтириш зарурлигини кўрсатмоқда.

Президентимиз Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида аҳолини иш билан таъминлаш, хусусан, касб-ҳунар коллежи битирувчиларини ишга жойлаштириш масаласини асосли равишда танқид қилди. Сирдарё вилояти мисолида оладиган бўлса, айрим касб-ҳунар коллежлари тайёрлаётган мутахассисликларга шу худудда эҳтиёж бор ёки йўқлиги тўлиқ ўрганилмаган. Натижада муайян мутахассисликлар бўйича ўқини тамомлаган ёшлар иш топишда қийинчиликка дуч келмоқда. Бундан ташқари, коллежларда таълим бериш, касб-ҳунар ўргатиш сифатини ошириш, бу борада таълим муассасалари раҳбарларининг масъулияти, керак бўлса, жавобгарлигини кучайтириш мақсадга мувофиқ бўлади. Ҳаракатлар стратегиясида ана шу масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилиши зарур, деб ўйлайман.

Бу борада партияимиз ташкилотлари, депутатлик бирлашмалари ҳам талабчан бўлиши, касб-ҳунар коллежи битирувчилари ишга жойлаштирилгани ҳақидаги маълумотлар ҳаққонийлигини ўрганиб бориши, айна пайтда, қатъий позиция кўрсатиши талаб этилади.



Собитхон ТУРҒУНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги ЎзХДП гуруҳи
аъзоси:



Дилбар МАМАЖОНОВА,
ЎзХДП Фарғона вилоят
Кенгашидаги партия
гуруҳи аъзоси:

— Ҳаракатлар стратегиясида арзон уй-жойлар қуриш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузил-

мани ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш масалалари белгиланган. Хусусан, ёш оилалар, эскирган уйларда яшовчи фуқароларнинг уй-жой шароит-



Муқаддас РАҲМАТУЛЛАЕВА,
Тошкент шаҳар Кенгашидаги
ЎзХДП гуруҳи аъзоси, 44-ошлавий
поликлиника бош шифокори:

— Мазкур ҳужжатда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш бўйича қатор масалалар белгиланган. Хусусан, аҳолига ижтимоий қароқчиликни таъминлаш, кексалар ва имконияти чекланган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, ижтимоий хизмат кўрсатиши яхшилаш кўзда тутилган.

Шунингдек, соғлиқни сақлаш соҳасини, энг аввало, тез тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, тиббий муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш назарда тутилмоқда.

Албатта, бугунги кунда соғлиқни сақлаш тизимида хал этилиши лозим бўлган қўллаб

қанда ўрта-махсус таълим сифатини ошириш энг долзарб масалалардан бири. Фикримча, бу борада педагогларга қўйилаётган талабларни кучайтириш лозим. Яъни, улар асосий вақтини ўқувчилар билан мулоқот қилиш ва ўз устида ишлашга сарфлаши керак.

Шунингдек, ўқувчиларнинг дарс жараёнидаги иштирокини тўла таъминлаш зарур, назаримда. Уларни кўпроқ аниқ фанларга йўналтириш, илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини айнан мактабдан бошлаш янада самарали бўлади, деган фикрдаман.

Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш, шарт-шароитларини тубдан яхшилаш масалалари ҳам муҳим аҳамиятга эга.

ларини имтиёзли шартларда ипотека кредитлари ажратиш ҳамда арзон уйларни қуриш орқали янада яхшилаш кўзда тутилган. Албатта, бу масалаларни ҳал этиш долзарб аҳамиятга эга.

Бироқ халқ ичида юриб, одамлар билан мулоқот қилиб, шунга амин бўлапмизки, ечимини кутаётган яна қўллаб-қувватлаш масалалар бор. Мисол учун, айрим оилаларда на эр, на хотин ҳеч қаерда ишламайди. Ҳар ихтисоси ҳам меҳнатга лаёқатли бўлгани боис давлатдан моддий

ёрдам ололмайди. Шунинг учун биз, бундай оилаларнинг қўлидан нима иш келишига қараб, уларни тадбиркорлик ёки касаначиликка жалб қилишимиз керак. Айтайлик, уй бекаларини тикув машинаси билан имтиёзли таъминлаш мумкин. Умуман, оилаларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати ва хусусиятларини чуқур ўрганиш, одамларни ташаббускорликка ундайдиган ғояларни ишлаб чиқишга ҳар томонлама эътиборни кучайтирсак, мақсадга мувофиқ бўларди.

«Ўзбекистон овози» мухбири
Нурали ОРИПОВ ёзиб олди.

Бугунги кунда ўрта-махсус таълим сифатини ошириш энг долзарб масалалардан бири.



Жаббор НАБЕКЕВ олган суратлар.

ЭНДИ УРГУТНИНГ НОМИ ДУНЁГА ТАНИЛАДИ

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Ургут туманида амалга ошириладиган ислохотлар билан танишиш чоғида ҳудудда эркин иқтисодий зона ташкил этилиши ушбу тумanning санoат салоҳиятини оширишга, туризм ҳамда қишлоқ хўжалиги соҳаларини янада юксалтиришга хизмат қилишини таъкидлади. Бу борада амалга оширилиши лозим бўлган муҳим вазифалар белгилаб берилди.

Тумanning тоғ ва тоғолди ҳудудларидаги лалми, унумдорлиги паст ерларни аниқлаш, тупроқ таркиби, тоғ шариоти ва тумanning бошқа хусусиятларидан келиб чиқиб, ушбу шариотга мослашган, тез ҳосилга кирувчи ёнғоқ, чилонжийда, бодом, узумнинг экспортбон навларини экиш, иссиқхоналар ташкил этиш, ҳудудда чорваччилик, паррандчилик, асаларичиликни ривожлантириш борасида янги лойиҳалар учун ер майдонларини танлаш, янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш бўйича тақлифлар тайёрлаш юзасидан қимматли фикрлар билдириди.

Президентимиз томонидан берилган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида дастлаб туман ҳокимининг фармойиши қабул қилинди. Мазкур фармойиш асосида Ургут туманини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан комплекс ривожлантиришнинг уч йўналиши бўйича дастурлар ишлаб чиқиш туман штаби ташкил қилинди.

Биринчи йўналиш — Ургут туманининг санoат салоҳиятини ошириш, янги корхоналар ташкил қилиш, мавжудларини модернизациялаш мақсадида янги лойиҳаларни аниқлаш ва талаб этиладиган ер майдонларини танлаш бўйича тақлифларни ишлаб чиқиш, қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган тошлоқ ер майдонларини ўзлаштириш борасида тизимли ишларни амалга ошириш вазифалари белгиланди.

Иккинчи йўналиш — хизмат кўрсатиш ва туризм соҳасини ривожлантириш бўйича мавжуд хизмат кўрсатиш ва хўжалик юритувчи субъектлар аниқланди. Тумандаги қишлоқ фуқаролар йиғинларида аҳолининг талабидан келиб чиқиб, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш бўйича лойиҳа ва тақлифлар умумлаштирилди. Тумanning географик жойлашувидан келиб чиқиб, экотуризм ва туризм соҳасини ривожлантириш бўйича Корапеча — Омонқўтон ҳудудида 6 та лойиҳа-тақлиф шакллантирилди.

Таъкидлаш керакики, туманда мустақиллик даврида мева-сабзавотларни қайта ишлаш, қуришти, қадоқлаш, полиэтилен маҳсулотлари, полиестр тола, спорт пойабзаллари ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш янгидан йўлга қўйилди. Черепица, бўз, чит, электр печ ва плита,

пластмасса маҳсулотлари каби халқ истеъмоли моллари тайёрлаш кенгайтирилди.

Учинчи йўналишга асосан 11 минг гектардан иборат ҳосили паст ерларни фермер хўжалиқларига бўлиб бериш, ёнғоқ, чилонжийда, бодом, узум ва бошқа мева ва дарахлар экиш ҳамда иссиқхоналар ташкил этиш бўйича ишчи гуруҳлари тузилди.

Бу борада ҳар бир йўналишдаги экан турлари бўйича Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти олимлари ва ҳудуддаги ерни яхши биладиган деҳқон ҳамда мутахассислар билан эканлар парвариши бўйича агротехник тадбирлар ишлаб чиқиш йўлга қўйилди.

Иқтисод фанлари доктори, профессор Фрунзе Жўраев шундай дейди:

— Эркин иқтисодий зона дейилганда, хорижий инвесторларнинг ўша ҳудудга эркин кириб келиши, хорижий технологияларни қўллаган ҳолда ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш корхоналарининг барпо этилиши, божхона муносабатларида эркинлик, солиқ соҳасида имтиёзларга эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар мажмуи тушунилади. Уларда асосан замонавий халқаро андозаларга жавоб берадиган, асосий қисми экспорт қилишга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

Айнан Ургутда эркин иқтисодий зона ташкил қилинишининг сабаблари қуйидагича:

— Ургут қишлоқ тумани бўлишига қарамастан, санoати ривожланган. Қишлоқда аграр меҳнат билан бирга индустриал ва интеллектуал меҳнат ҳам муносиб ўрин эгаллагани шундай зона очилишига аҳолининг тайёрлигидан далolat беради;

— Ургут туманида кўпгина маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун ҳомашё базаси мавжуд. Мева-сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилади, уларни чуқур қайта ишлаш, қадоқлаш, сақлаш каби технология жараёнларни жорий қилиш, маҳаллий ҳомашё ҳисобидан қурилиш материаллари, гилам, электротехника, кимё, озиқ-овқат санoатини ривожлантириш имкониятлари мавжуд;

— маҳаллий ва хорижий инвесторларнинг тўғридан-тўғри инвестицияларини жалб этиш учун имкониятлар катта.

Эркин иқтисодий зоналарнинг яна бир хусусияти улар мамлакат бозорини сифатли маҳсулотлар билан

тўлдирди. Мамлакат экспорт салоҳиятининг ошишига ва валюта тушумининг кўпайишига ҳам бундай ҳудудлар катта имконият яратади. Ушбу валюталар эвазига тadbиркорларда хориждан илғор технологияларни келтириш имконияти юзга келади.

Ургутнинг маданий экинлар учун ноқулай бўлган адир жойларидан самарали фойдаланиш ҳам мақсад қилиб қўйилган. Бу ерда интенсив боғлар ташкил қилиш, фойдаланилмаётган ерларни ўзлаштириш имкони мавжуд.

— Ургут тоғларида доривор гиёҳлар жуда кўп. Аммо булардан фармацевтикада деярли фойдаланилмастан келинаётган эди. Замонавий талаблар улардан ҳам самарали фойдаланишни тақозо қилмоқда. Бу эркин иқтисодий зона учун жуда қийин.

Эркин иқтисодий зона-лар халқимизга, давлатимизга нима беради, деган савол ҳам кўпчиликни кизиқтириши табиий:

Илгари Ургутга асосий моллар, оддийгина пайпоқ ҳам четдан келтирилган. Мустабид тузум даврида бу каби маҳсулотларни ишлаб чиқариш имконияти бўлгану, лекин бунга йўл қўйилмаган.

— асосийси, янги иш ўринлари яратилиб, аҳоли бандлиги ошади;

— мамлакат бозори товар ва хизматлар билан бойитилади, аҳолининг эҳтиёжлари қондирилиб борилади;

— мамлакатимизнинг экспорт салоҳияти ошади ва валюта тушуми кўпаяди. Ушбу валюталар эвазига тadbиркорларда хориждан илғор технологияларни келтириш имконияти пайдо бўлади;

— маҳаллий мутахассисларнинг ишга жалб қилиниши орқали уларда илғор технологиялар асосида фаолият кўрсатиш имконияти яратилади;

— давлат бюджетига солиқ тушуми ортishi эвазига давлатнинг молиявий имконияти яхшиланади, мамлакат ялли ички маҳсулотини қўлайитириш имконияти яратилади.

Узоқ йиллар туман қишлоқ хўжалигининг ривожланишига ҳисса қўшган **меҳнат фахрийси Абдузоҳир Зиёев** шундай ҳикоя қилади:

— Илгари Ургутга асосий моллар, оддийгина пайпоқ ҳам четдан келтирилган. Мустабид тузум даврида бу каби маҳсулотларни ишлаб чиқариш имконияти бўлгану, лекин бунга йўл қўйилмаган. Мана, энди туманда эркин иқтисодий зона ташкил этилади. Бу

нафақат ўз бозоримизни, балки, хориж бозорини ҳам обод қилувчи бир-бирини такорламас кўлаб санoат корхоналари юзга келади, янги иш ўринлари яратилади, дегандир.

Янги санoат корхоналари ташкил этиш, мавжудлари қувватларини оширишдек муҳим масалага ҳам алоҳида эътибор қаратилаётгани қувончи.

— Ургут эркин иқтисодий зонаси ташкил этилиши туманимиз аҳолисини беҳад қувонтирди, — дейди **Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг аъзоси Суянов Умаров**. — Аҳамиятисини, бу эзгу ҳаракат партияимиз эълонлари, электратимиз манфаатига ҳар жиҳатдан мос келади. Сариктепа маҳалласи ҳудудидаги қишлоқ хўжалигида фойдаланилмай-диган ер майдони тadbиркорларга тақсимлаб берилди-диган бўлди. Бу эса 1000 га яқин янги иш ўрни яратишга йўл очади. Тоғолди ҳудудларидаги шундай майдонларда ёнғоқ, pista, бодом,

қилувчи тарихий обидалар, меъморчилик ёдгорликлари, ўзига хос қадим аънаёлари кишини ҳайратга солади. Масалан, Чорчинор, Равот-хўжа, Қоратепа, Омонқўтон ва яна бошқа кўлаб гушалар сайёҳларда, меҳмонларда бир олам таассурот уйғотади. Бу қутлуғ заминда Ҳазрат Фавсул Аъзам, Хўжа Закарийё авлиёи Варрак, Хўжа Омон, Хўжа Толиби Сармаст, Хўжа Абдол, Ширвоқ ота, Хўжа Иброҳим Қадут каби улуг зотлар қабрларию мақбаралари зиёратгоҳга айланган.

Бу ерда эркин иқтисодий зонанинг ташкил этилиши эса бутун дунё сайёҳларининг, ишбилармонларининг, олим узеиллари эътиборининг Ургутга жалб этилиши, демакдир. Шунинг учун ҳам Президентимиз Фармони ургутликлар томонидан катта қувонч билан қутиб олинди. Одамларимиз ушбу Фармон орқиди буюк келажакни, тўкин ҳаётни ҳис этишмоқда.

Тadbиркор Эсон Соҳибов қувонч билан фикр юратади:

—2003 йилда «Ург-Антеп-Яшам» қўшма корхонасини ташкил этдим. Корхона Устав фонди 4,2 миллион АҚШ долларидан иборат бўлди. Унинг 54,2 фоизи Туркиянинг «Mesan mensuati samay i displacement limited sirketi» диспанциясиники, қолгани мен ва яна бир ургутлик тadbиркор Ишлом Қораев улуши эди. Асосан гилам ва гилам маҳсулотлари ишлаб чиқаришга иттисолаштирилган корхонамизда дастлаб 25 киши иш бошлади.

Орадан йиллар ўтиб, ишларимиз бутунлай юришиб кетди. Масалан, 2015 йилда 4,8 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардик. 4,2 миллиард сўм микдоридagi маҳсулот ички бозорга сотилди. Россия ва Қозоғистон давлатларига эса қарийб 1,0 миллион АҚШ долларига тенг гилам ва гилам маҳсулотлари экспорт қилинди.

Корхонамизда ҳар йили ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва модернизациялаш ишлари олиб борилмақда. 2013-2014 йилларда Германия ва Бельгия мамлакатларидан илғор технологик линиялар ҳамда ускуналар олиб келинди.

Ҳозир корхонамизда 70 нафар ишчи ва ходим ишляпти.

«Ург-Антеп-Яшам» қошида яна бир қўшма корхона барпо этдик. Илгари хориждан келтирилмаган асосий ҳомашё — полипропилен ишларини янги корхонада ишлаб чиқарадиган бўлдик. Мазкур лойиҳанинг маҳаллийлаштириш дастурига мос келиши туфайли бир қатор имтиёزلарга ҳам эга бўлдик. Корхонада 40 янги иш ўрни яратилди.

Энди эса Туркиянинг бошқа бир компанияси — «BOSSAN TEKSTIL tic ltd» билан ҳамкорлик қила бошладик. 2008 йилда туман

ҳокимининг қарори билан санoат ҳудудидан 1,5 гектар ер ажратилиб, бу ерда санoат иншоотлари қурилади. 2015 йилда корхонада ишлаб чиқарилган полипропилен иплари ҳажми 2014 йилдагига нисбатан 143,8 фоизга кўпайди. Корхона томонидан ички бозорга 13,6 миллиард сўмлик маҳсулот сотилди.

Бугун бу ишлар замирида туманимизда ташкил этилган эркин иқтисодий зона афзалликлари, унинг иқтисодий имтиёзига киритадиган молиявий сармояларни кўраямиз. Ургут замини ана шундай йирик ишларга лойиқ қўрилганлиги тadbиркорлар қувончига қувонч, ғайратига ғайрат қўшди.

— Кичик бизнес ва тadbиркорлик учун яратилган қўлай имкониятлар туфайли 1289 кичик бизнес субъектларининг 400 таси санoат соҳасида рўйхатдан ўтган. Шундан 35 таси хорижий инвестиция иштирокидаги қўшма корхоналардир, — дейди **туман ҳокимлиги ҳудудларни комплекс ривожлантириш бўлими бошлиги Хуршид Хушвақтов**.

Биргина 2016 йилда санoат соҳасида 64 корхона ўз фаолиятини бошлади. «Ургут туманини 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш Дастури» асосида туманда умумий қиймати 162 миллиард сўм, шундан 80 миллиард сўм банк кредити ва 6 миллион АҚШ доллари микдоридagi чет эл инвестицияси бўлган 765 лойиҳа (63 та санoат, 220 та хизмат ва сервис, 483 та қишлоқ хўжалиги) амалга оширилиб, 3709 янги иш ўрни яратилди. 14 миллион АҚШ долларидан ортиқ хорижий инвестициялар киритилди.

Ҳозирги кунда вилоят ҳокимлиги билан биргаликда ишчи гуруҳи тузилиб, ер танлаш, ташқи коммуникацияларга улашиш, лойиҳа ташаббускорлари рўйхатини шакллантириш, улар билан суҳбатлашиш бўйича ишлар бошлалди юборилди.

Туманда эркин иқтисодий зона барпо этиш учун мақбул ҳудудлар танланди. 1-ҳудуд «Сариктепа», 2-ҳудуд «Камангарон» ва 3-ҳудуд «Деҳқонobod» массивидан ер майдонлари танланиб, тегишли идора ва вазирликларга тақлиф сифатида тақдим этилди.

Оддийгина ушбу рақамлардан билиш мумкинки, Ургут эркин иқтисодий зона ташкил этилишига муносиб ҳудуд. Бу ерда ишлаб чиқаришни ривожлантириш, янги-янги корхоналар ташкил этиш, хорижий ишбилармонлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш учун барча имкониятлар, шарт-шароитлар етарли.

Абдурашул САТТОРОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири. Суратларда Ургут тумани санoат корхоналари фаолиятидан лавҳалар.

ЎЗГАРАЁТГАН ДУНЁ

ДУНЁНИ 40 КУНДА АЙЛАНИБ

жаҳон рекордини ўрнатди

Елканли спорт тримаранида бутун дунёни айланиб чиққан франциялик денгизчилар гуруҳи жаҳон рекордини ўрнатди. Бу ҳақда ТАСС ахборот агентлиги хабар бермоқда.

Ушбу муваффақиятга олти кишидан иборат экипаж эришган, унга 60 ёшли Франсис Жойон раҳбарлик қилди ва яқунда «Жюль Верн» мукофотини қўлга киритган.

Савҳатни 16 декабрь кuni Британиянинг Лизард бурни орасидаги шартли нуқтадан бошлаган спортчилар, старт нуқтасига 40 кун 23 соат 30 дақиқа ва 30 сонияда қайтиб келди.

Шу тариха, улар бошқа бир денгизчи — Лойк Пеироннинг 2012 йил ўрнатган рекордини ортда қолдирди. Пеирон бутун дунёни 45 кун 13 соат 42 дақиқа ва 53 сонияда айланиб чиққан эди.

«Жюль Верн» мукофотида 1992 йил «Дунё бўйлаб 80 кун» ассоциацияси томонидан асос солинган.

ЭВЕРЕСТ БАЛАНДЛИГИ ЎЛЧАБ КЎРИЛАДИ



Ҳиндистон ҳукумати Эверест (Жомолунгма) чўққисини баландлигини ўлчаб кўришга қарор қилди, деб хабар беради korrespondent.net сайти.

Бунга олимларнинг Непалда 2015 йилда содир бўлган ва 8 мингдан ортиқ кишини ҳаётдан олиб кетган 7,8 магнитудали зилзила туфайли чўққи баландлиги пасайган бўлиши мумкинлиги ҳақидаги таҳминни сабаб бўлди.

Ҳукумат комиссияси экспедиция икки ойдан сўнг жўнатилишини маълум қилди. Ўлчов ишлари бир ойга яқин вақт олиши, ҳисоб-китоблар учун эса икки ҳафта кетиши айтилди.

Маълумот учун, 1955 йилда ўтказилган ўлчовларга кўра, Эверест баландлиги 8848 метрни ташкил этади ва у дунёдаги энг баланд чўққи ҳисобланади.

БМТ ЎЗ ТАРИХИДА ИЛК БОР

ўрмонлар бўйича стратегия режани қабул қилди



БМТ ўз тарихида биринчи бор халқаро ташкилотнинг ўрмонлар бўйича форуми махсус сессиясида тайёрланган ўрмонлар бўйича стратегик режани қабул қилди. Бу ҳақда ТАСС ахборот агентлиги хабар бермоқда.

Ҳужжатда белгиланган мақсадлардан бири 2030 йилга келиб дунё ўрмонлари майдонини 120 миллион гектарга кўпайтиришдан иборат. БМТга аъзо давлатлар қабул қилган режа нафақат янги ўрмонларни яратиш, балки мавжудларини барқарор бошқаришни ҳам кўзда тутади.

Стратегик режада ўрмонлар йўқ бўлиб кетишининг олдини олиш, уларни сақлашга қаратилган дастурларни молиялаштиришда халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, тирикчилиги ўрмонлар билан боғлиқ инсонлар турмуш тарзини яхшилаш, ўрмонларни барқарор бошқаришни жорий этиш учун сиёсий ва ҳуқуқий шартларни яратиш каби масалалар ўрин олган. Бирок ҳар бир мамлакат эришиши лозим бўлган мажбурий меъёр ва кўрсаткичлар белгиланмаган.

Бугунги кунда, ўрмонлар қуруқликнинг 30 фоизини ташкил этади, ер юзи аҳолисининг 25 фоизи — 1,6 миллиард кишининг маъшулотини ва даромади ўрмонлар билан боғлиқ. Қўл тегадиган ўрмон массивларининг учдан икки қисми Россия, Канада ва Бразилияга тўғри келади.

◀ Давоми. Боиланиши 1-бетда.

Ургут эркин иқтисодий зона ташкил этилишига муносиб ҳудуд.

Миллий матбуот марказида

Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ахборот хизматлари ва глобал интернет тармоғида фаолият кўрсатаётган миллий веб-ресурслар ўртасида ўзаро ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш» маърузида матбуот анжумани ўтказди.

ҲАМЖИХАТЛИК, ҲАМКОРЛИК

Республикадаги бир қатор вазирилик ва идораларнинг ахборот хизматлари ходимлари иштирокида ўтказилган йиғилишда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ахборот хизматлари ҳамда миллий веб-порталлар ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари, соҳага оид ингиликлар, долзарб масалалар, муаммо ва камчиликлар муҳокама этилди.

— Бугунги кунда интернет тармоғида фаолият кўрсатаётган оммавий ахборот воситаларининг аксарияти ахборотни шакллантириш ва тарқатиш характеридаги медиа тузилмалардир, — дейди Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори Абдулазиз Абдуллаев. — Ҳозирда улар томонидан интернет тармоғи орқали ўзбек ва саккизта хорижий тилда ахборот тарқатилмоқда. «Uz» доменда 30 мингга яқин веб-сайт бўлиб, уларнинг 395 таси интернет оммавий ахборот воситаси сифатида фаолият кўрсатмоқда. Бутунжаҳон глобал тармоғидан фойдаланувчилар сони йил сайин ортиб бораётган бир пайтда веб-сайтлар фаолиятини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун нормаларининг ҳаётга татбиқ этилиши долзарб масалалар.

2017 йилнинг Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили, деб эълон қилинган аҳоли билан доимий мулоқот ўрнатишни, фуқароларни ўйлантираётган долзарб масалаларга ечим топиш бўйича янги механизм ва самарали усуллари жорий этишни талаб этмоқда.

Тадбирда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ахборот хизматлари салоҳиятини янада юксалтириш, бунда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва интернетнинг имкониятларидан унумли фойдаланиш юзасидан таклифлар билдирилди.

Тоштемир ХУДОЙКУЛОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁДАН СИФАТЛИ ДОРИ ВОСИТАЛАРИ

Термиз шаҳридаги «NOVA PHARM» масъулияти чекланган жамият шаклидаги Ўзбекистон — Ҳиндистон қўшма корхонасида жаҳон бозорида рақобатбардош, сифатли ва юқори самарали дори воситалари ишлаб чиқарилмоқда.

Замонавий ускуналар билан жиҳозланган корхона фаолияти босқичма-босқич кенгайиб, фармацевтика маҳсулотлари тури ошиб бормоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 31 октябрдаги «Аҳолини дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни янада яхшилашга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлаётди.


Мамлакатимизда хусусий сектор ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, кулай ишбилармонлик муҳити яратилган фармацевтика саноатини ҳам ривожлантириш, аҳоли ҳамда даволаш муассасаларини сифатли, хавфсиз дори-дармон воситалари билан таъминлашга хизмат қилмоқда. Маҳаллий дори-дармон импорти ўрнини босувчи кўплаб турдаги ноёб дори-дармон тайёрлаш учун ҳам арзон ва ишончли хомашёдор.

Кўшма корхонанинг дастлабки босқичида 5 иш ўрни яратилиб, турли антибиотик, оғрик қолдирувчи, иссиқ туширувчи дори воситалари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган эди. Мустақиллигимизнинг 24 йиллик байрами

ҳамкорлар билан жаҳон бозорида рақобатбардош, арзон дори воситалари ишлаб чиқариш ҳамжиҳатлиги кенгаймоқда.

Вилоятдаги дори-дармон чўқур ўрганилиб, уларни кўпайтириш, парваришлаш ва мақсадли фойдаланиш юзасидан истиқболли режалар ишлаб чиқилган. Шу мақсадда маҳаллий шиобахш ўсимликлардан юқори самарали, ишончли дори-дармон ишлаб чиқариш учун давлат ўрмон хўжаликлари билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Худудда етиштириладиган маҳаллий дори-дармон ўсимликлар импорти ўрнини босувчи кўплаб турдаги ноёб дори-дармон тайёрлаш учун ҳам арзон ва ишончли хомашёдор.

Кўшма корхонанинг дастлабки босқичида 5 иш ўрни яратилиб, турли антибиотик, оғрик қолдирувчи, иссиқ туширувчи дори воситалари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган эди. Мустақиллигимизнинг 24 йиллик байрами



арафасида фойдаланишга топширилган иккинчи босқичда сифатли ва ноёб кукун, шиобахш дамлама ва турли сироплар ишлаб чиқариш ўзлаштирилиб, мазкур дори воситаларининг катта маблаг авазига четдан олиб келинишига барҳам берилди. Корхона фаолиятининг босқичма-босқич кенгайтирилиши мамлакатимиз фармацевтика саноатини янада юксалтириш, даволаш-профилактика муассасаларининг арзон, сифатли дори воситаларига бўлган талабини қондириш, юртимизнинг экспорт салоҳиятини янада оширишга ҳисса қўшмоқда.

— Корхонамизда турли гиёҳлардан тайёрланадиган фармацевтика маҳсулотлари таркибини пухта таҳлил қилиш ва уларнинг сифатини

аниқлаш учун барча қулайликларга эга лаборатория ишлаб турибди, — дейди технолог Тўлқин Эшмирзаев. — Бу ерда малакали мутахассислар билан бирга, ёш кадрлар ҳам самарали фаолият юритмоқда.

Корхонада ишчиларни ижтимоий ҳимоя қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, улар учун бепул тиббий ва транспорт хизмати йўлга қўйилган.

— Фармацевтика йўналиши бўйича мутахассисман, — дейди корхона ишчиси Сайёра Қариева. — Замонавий ускуналарни бошқаришни қисқа вақтда ўрганишимда коллежда олган билимларим қўл келди. Шундай корхонада, халқимиз саломатлигини асрашдек шарафли соҳада ишлаётганимдан фахрланаман.

Айни пайтда қўшма корхонанинг учинчи босқичида қурилиш-монтаж ишлари давом эттирилмоқда. Бу иншоотга бир марталик шприцлар ишлаб чиқарадиган технологик ускуналар ўрнатилади. Ишлаб чиқариладиган инфузион, инъекцион эритмалар бир қанча дори воситаларини хориждан келтиришга тўлиқ барҳам бериш билан бирга, уларни экспорт қилиш имкониятини ҳам яратяди. Маҳаллий шароитда ўсадиган шиобахш гиёҳлардан фойдаланиш ишлаб чиқариладиган дори воситаларининг таннархини арзонлаштиради.

Корхона тўла қувват билан ишга тушган, бу ерда 150 дан ортиқ ишчи меҳнат қилади.

Х.МАМАТРАЙИМОВ, ЎЗА мухбири.

Тақдимот

Давлат божхона қўмитасида «Ягона дарча» божхона ахборот тизимининг тақдими бўлиб ўтди.

«ЯГОНА ДАРЧА» АХБОРОТ ТИЗИМИ

Унинг аҳамияти шундаки, илгари ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари ташқи савдо шартномасини тузишдан бошлаб, товарларни жўнатилганга қабул қилганга қадар тегишли рухсатномалар олиш учун бир нечта давлат органларига мурожаат қилишлари ва ҳар бир идора учун алоҳида ҳужжатлар тўпламини тайёрлаб тақдим этишларига тўри келар эди. Бу эса ортиқча вақт сарфланишига ва молиявий харажатларнинг кўпайишига олиб келар эди.

«Ягона дарча» ахборот тизими эса давлат божхона хизмати органларида товарнинг келиб чиқиш сертификатини, ветеринария, экологик, санитария-эпидемиологик хулосаларни расмийлаштиришда тадбиркорлик субъектларига рухсат беришчи тартиб-таомиллардан ўтиш жараёнини интерактив кузатиш имконини беради.

Ушбу тизимнинг ишга туширилиши давлат органларига ресурслардан унумли фойдаланиш, турли божхона тўловлари, солиқ йиғимларини тўлиқ ҳисоблаш ва ўндириш, тадбиркорларнинг фаолиятига аралашмасдан туриб, ташқи иқтисодий жараёнларнинг мониторингини ҳамда тақлифини олиб бериш имконини беради.

Янги тизим ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари учун молиявий харажатларни тежаш, қўғозбозлик ва бошқа бюрократик ҳолатларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Энг муҳими, «Ягона дарча» тизими кўмағида ҳар икки томон фаолиятида ҳам ўзаро шаффофлик янада ортади.

Тадбир давомида ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари «Ягона дарча» ахборот тизими юзасидан ўз тақлиф ва мулоҳазаларини билдириши.

Равшан ШОДИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Оналар фарзандлар ҳақида СОҒИНЧ САҲИФАЛАРИ



Январь оиламиз учун йилнинг энг ҳаяжонли ойларида бири ҳисобланади. Бунинг асосий сабаби уч фарзандимиз айнан шу ойда дунёга келган. Ўғлим Ғайратжон 9 январда, қизим Гулнораҳон 15 январда ва роппа-роса етти йилдан сўнг худди шу кунни кенжа қизимиз Ферузахон таваллуд тошган.

Биз ҳар йили бу кунларни қариндош-уруғ ва дўстлар билан нишонлаб, фарзандларимизга эзгу тилакларимизни билдирамиз. Улар илми, одобли, диннатли бўлиб воёга етишганидан фахрланамиз.

Афсуски, улардан бири — ҳамгани ўзига мафтун этиб, ўз қўли билан тайёрлаган рангли кутичаларга янги йил табрикларини солиб, бизларга бирмабир ширин тилаклар айтиб топширадиган қизим Ферузахоннинг нигоҳларини, овозларини бугун кумсайимиз.

Ферузахон одатда, биринчи бўлиб дадасини, сўнг мени, синглиси ва

акаларини ҳамда меҳмонларни исмларини айтиб, табрикларди. У ҳеч қачон ҳеч кимни ёддан чиқармас эди.

Ҳозир шулар ҳақида эсласам, юрагим тўрида сўз билан ифодаб бўлмайдиган бир туйғу — соғинч туйғуси пайдо бўлиб, боламнинг қувноқ ва жўшқин ҳаёти кўз олдимдан ўта бошлайди. Шу он қалбим тубида унсиз ҳайқиряқ пайдо бўлади ва ўша кунларга қайтгим келади.

Ферузани баъзан тушимда кўраман, у, кўпинча ўзини яхши кўрган Микки Маус сурати туширилган қизил куйлагидан юзи тўла кулги билан, шаҳло кўзларини катта очиб, олдимга югуриб келади, мен уни бағримга босиб қуюқ, тим қора сочларини силаб эркалатаман. Шундай пайтларда даласининг «Феруза ҳаёт, у доимо биз билан бирга», деган сўзлари эсимга тушиб, кўнглим ёришгандай бўлади.

Дарҳақиқат, гоҳида даласи бирон-бир нарсадан кайфияти бузилса ёки қаттиқ ранжиса, ўша кунни албатта, Феруза тушига кириб, даласига далда бериб, кўнглини кўтарди. Ферузани тушида кўрган даласи, эрталаб ўрдидан туриб, «Болам менга маслаҳат берди, ҳаммаси яхши бўлади», деб кўнглимни кўтарди. Унинг «воқеалардан олдинлаб кетманг», деган маслаҳати ёдимга тушди, дея ғайрат билан ишга отланади.

Бу хотиралар, туйғулар доим қалбимни ўртғили, Ферузанинг ёқимтой чечраси, донна-дона меҳри сўзларини эслаб энтикаман, дилим ёришади, уни гўё ёнгинамда тургандек ҳис этаман ёки ҳозир эшик очилади у «Ассалом, ойижон» деб кириб келади. У аъло ўқирди, тўғриси эди, Ўзбекистон фарзанди эканидан доим фахрланарди. Биз ана шундай ақли, ҳаммамизга меҳрибон қизимиз борлигидан гурурланардик. Ҳозир ҳам шу туйғу билан яшаймиз.

Гулсал НЕЪМАТОВА

Реклама

ЗАВОД «KRANTAS»

Производит и реализует под заказ:



- ▶ Бензовозы — 4, 8, 10, 12, 16 м³.
- ▶ Водовозы — 4, 8, 12 м³.
- ▶ Вахтовые автобусы 4x4 — 22 мест, 6x6 — 26 мест.
- ▶ Комбинированные поливомоечные машины — 4, 8 м³.
- ▶ Кислотовозы — 6, 8, 10 м³.
- ▶ Автогудронаторы — 6, 8 м³.
- ▶ Полуприцепы: бензовоз, самосвальный, бортовой, контейнеровоз.

ГАРАНТИЯ 1 ГОД

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61. Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05. E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV	Muslihiddin MUHIDDINOV	Farrux HAMROYEV
Ulug'bek VAOYEV	Ochilboy RAMATOV	Tat'yana KISTANOVA
Rustam KAMILOV	Saidahmad RAHIMOV	
Saidkamol XODJAYEV		

Qabulxona — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Sharh nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi. Korxonamiz: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi. G — 238 17554 nusxada bosildi. Nashr ko'rsatkichi — 220 t — Tijorat materiallari O'ZA yakuni — 22.07 Topshirilgan vaqti — 00:25

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV
Sahifalovchi-dasturchilar: Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV

